

ЭКОЛОГИК МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Мулоқотда Ҳукумат томонидан мамлакатда экологик ҳолатни яхшилаш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни такомиллаштириш, ҳудудларни кўкаламзорлаштириш ишларига катта эътибор қаратилганлиги, жорий йил 11 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган “Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-189-сонли Фармони ҳамда “Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш ва аҳоли пунктларида тозаликни таъминлаш бўйича қўшимча-чора тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-349-сонли Қарор республикамизда чиқиндиларни йиғиш, саралаш, қайта ишлаш соҳасида тадбиркорлар билан ишлашда янги саҳифа очиб берганлиги ҳақида сўз борди.